XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

А.У.РАҲИМОВ

Мақолада чор мустамлакачилиги даврида ўзбек тилини амалий ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек тили этимологияси, паремиологияси, диалектологияси бўйича олиб борилган амалий тадқиқотлар, луғатлар, грамматик маълумотномалар, Қуръони карим матни тадқиқи бўйича субъектив таҳлиллар, буларнинг асл сабаблари ва мақсадлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *шарқона анъана, европача таҳлил усуллари, руслаштириш, миссионерлик, луғатлар, қисқача грамматик маълумотномалар.*

В данной статье рассматриваются специфические черты практического исследования узбекского языка, труды по этимологии, паремиологии, диалектологии, словари, грамматические справочники; а также указано на тенденциозное изучение текста Корана, раскрыты их истинные причины и цели.

Ключевые слова*: восточные традиции, европейские методы анализа, русификация, миссионерство, словари, краткие грамматические справочники.*

This article provides some interesting information dealing with specific features of practical research of the Uzbek language, scientific works on its etymology, paremiology, dialectology, dictionaries, grammar references, tendentious in the study of the text of the Holy Koran and their true reasons and aims.

Keywords: *Eastern traditions, European research methods, russification, missionary, dictionaries, short grammar references.*

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари, А.Қодирий таъбири билан айтганда, Туркистон тарихининг «энг кир ва қора кунлари»дан шоҳидлик берувчи даврдир. Чунки бу даврда Туркистон ҳудудидаги сиёсий парокандалик, иқтисодий, маданий таназзул рус мустамлакачиларининг Пётр I давридан бошлаб зимдан кўзланган геополитик мақсадлари «амалга оширилди». Бу эса ўзбек цивилизациясининг янада орқага кетишига сабаб бўлди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур даврда геополитик ва шовинистик мақсадлар йўлида амалга оширилган лингвистик тадқиқотлар (луғатлар, грамматик очерклар, грамматик маълумотномалар)нинг муаллифлари рус ҳарбийлари ва миссионерларидир. Бу эса ушбу даврда яратилган тадқиқотларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи белгилардан биридир. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, гарчи мазкур асарлар сиёсий мақсадлар учун хизмат қилган бўлса ҳам, улар ўзбек тилининг амалий тадқиқига йўналгани билан аҳамиятлидир. Ушбу тадқиқотларнинг назарий-методологик қиммати шу билан белгиланадики, улар ўзбек тили грамматикасини тавсифлашда мавжуд шарқона анъаналарнинг европача таҳлил усуллари билан бойитилишига сабаб бўлди.

Тарихдан маълумки, Пётр I Марказий Осиёни забт этиш учун, аввало, бу ҳудуднинг тарихи, географияси, тили ва маданиятини мукаммал ўрганиш стратегиясини ишлаб чиққан. У мазкур режасини амалга ошириш мақсадида ўзи ташкил этган Академия қошида гуманитар йўналишни, айниқса, шарқшунослик, туркология соҳаларини ривожлантиришни бош стратегик вазифа деб белгилаган. Натижада илм-фан фонида миссионерлик, жосуслик, руслаштириш, шовинизмдек ғаразли мустамлакичилик сиёсати аста-секинлик билан амалга оширилган. Р.Пирсоннинг фикрича, чор ҳукумати бутун сиёсатини «руслаштириш» сиёсатига йўналтирган бўлиб, бу жараён бир неча босқичга бўлинади. Бу жараён тадқиқотчи томонидан «стадиал русификация» деб номланган бўлиб, бунга кўра, руслаштириш жараёнининг лисоний, таълимий, маъмурий, ҳарбий ва ҳудудий аспектлари келиб чиққан [1].

А.Нурмоновнинг ёзишича, бу даврда маҳаллий аҳолини тутқунликда тутиш учун унинг тилини амалий жиҳатдан билиш эҳтиёжи туғилди. Ана шу амалий эҳтиёжни қондириш мақсадида бир қатор асарлар майдонга келди. Русларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондиришда, айниқса, чор Россияси томонидан Туркистонга махсус юборилган Н.Остроумов, В.Наливкин ва М.Наливкина, Н.Н.Пантусов катта хизмат қилди [2].

Н.Н.Пантусов Ўрта Осиё тарихи, тили ва маданияти бўйича бир неча қимматли асарлар ёзган шарқшунос олим: «Фергана, по Запискам султана Бабера» («Записки Императорского Географического Общества», 1875); «Тарихи Шахрохи. История владетелей Ферганы. Сочинение муллы Ниязи Мухаммед бен Ашур Мухаммед, Хокандца» (Казань, 1885); «Древности Средней Азии. I. Китайский победный памятник на горе Гедынь-Шань. II. Каменный Бурхан в Токмакском уезде Семиреченской области» (Казань, 1897). Олим асосан тарих, археология, этнография, нумизматика соҳаларида сермаҳсул ижод этиш давомида туркийшуносликка доир назарий аҳамиятга молик материалларни ҳам тўплаган. Айниқса, унинг «Война мусульман» номли асарида уйғур тилининг кўмакчи феъллари деган махсус бўлим ҳам бор бўлиб, унда туркий тилларнинг аналитик табиатини очиб берувчи кўмакчи феъллар ва уларнинг семантикасига доир илмий таҳлиллар учрайди [3]. Шунингдек, олимнинг ўзбек, қозоқ тиллари ва янги уйғур тилининг таранчин лаҳжасига доир илмий кузатишлари ва назарий қарашлари бугун ҳам ўз қимматини сақлаб қолган. Айниқса, унинг паремиология соҳасидаги изланишлари, хусусан, уйғур, қирғиз тилларидаги халқ мақоллари, топишмоқлари тадқиқи алоҳида аҳамият касб этади. Н.Н.Пантусов Ўрта Осиё тарихига доир манбалар ва қўлёзмаларни тўплаб, уларни тарихий-биографик, психологик методлар ёрдамида илмий таҳлил қилган. Бу жиҳат олимнинг «Фергана, по Запискам султана Бабера» номли тадқиқотида яққол сезилади.

Н.Н.Пантусовнинг «Язык офеней в мусульманской среде Туркестана (о жаргоне «зергери» – ювелиров-выходцев из Индии в Бухаре, Самарканде и Ташкенте)» номли жажжи тадқиқоти социолингвистика соҳасида ҳам маълум изланишлар олиб борганлигини тасдиқлайди. Бунда у Ўрта Осиёдаги ҳунарманд заргарларнинг «тили» – аргоси бўйича бой фактик материал тўплаган ва уларни илмий тавсифлаган. Ушбу тадқиқотни бошқа тил вакилининг Ўрта Осиёдаги социолект муаммосига бир томонлама ёндашуви маҳсули сифатида баҳолаш мумкин.

Н.Н.Пантусовнинг бир қатор фундаментал тадқиқотлари туркийшунослик ва диалектология соҳалари тараққиётида туб бурилиш ҳосил қилган. Унинг «Материалы к изучению наречия таранчей Илийского округа. Вып. I: Книга о счастливых и несчастливых днях. (Таранчинский текст и русский перевод)» (1897), «Материалы к изучению наречия таранчей Илийского округа. Вып. II: Таранчинские загадки и задачи. (Таранчинский текст и русский перевод)» (1898), «Материалы к изучению сартского (узб.) наречия тюркского языка. Маргеланская сказка о старце и дочери купца» (1899), «Киргизские пословицы, записанные в Копальском уезде Семиренческой области» (1899), «Материалы к изучению казак-киргизского наречия» (Вып I, II, III, IV, V, VI, VII; 1900-1903) каби асарлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Рус босқинининг илк даврида ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб қилишда Николай Петрович Остроумов (1844 – 1930) алоҳида ўрин эгаллайди. Н.Остроумов ўзбек тили, урф-одати, тарихи, адабиёти ҳақида юздан ортиқ асарлар ёзади. Ўзбек тилини ўрганишга бағишланган «Материалы к изучению наречия сартов русского Туркестана» (1808); «Этимология сартовского языка» (Ташкент, 1910), «Народные сказки сартов» (2-е издание, 1906), «Пословицы и поговорки сартов» (1895) асарлари мавжуд. Н.П.Остроумов ўзбек тили лексикологияси, паремиологияси, этимологиясига доир қимматли манбалар тўплаган ва уни илмий таҳлил этган [4]. «Туркистон вилоятининг газети»ни бошқариш учун маҳаллий аҳолидан эмас, рус миллатига мансуб буюк миссионер ва шовинист олим Н.Остроумовнинг танлангани ҳам бежиз эмас. Газетада чоп этилган материаллар унинг кучли «цензура»си остида бўлган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рус босқинининг илк даврида рус миссионерлари томонидан ўзбек тили ва ўзбек маданиятини рус босқинчиларига таништириш мақсадида амалий характердаги бир қатор асарлар яратилди. Бу асарларнинг вужудга келиши (уларнинг савияси ва олдига қўйган мақсади қандай бўлишидан қатъи назар) ўзбек тили ва маданиятининг Оврупо олимлари томонидан ўрганилиши ва руслар ўртасида ўзбекшунос туркологларнинг етишиб чиқишида пойдевор ролини ўйнади.

Н.Остроумов 1882 йилда шундай ёзган: *«Агар биз Туркистонда маорифни яхшилаш борасидаги лойиҳани қабул этсак, шу чоққача мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини уйғотиб юборамиз ва бу билан кўксимизда илон асраган бўлиб чиқамиз. Шу сабабли мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш, исломни бузиш ётмоғи лозим»*.

Қозонда диний семинария негизида ислом динини бузиш, буюк миллатчилик шовинизми каби ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун ўзига хос миссионерлик мактаби яратилди. Буни Н.И.Ильминский, Г.С.Саблуков, Е.А.Малов, Н.П.Остроумов, М.А.Малов ва П.К.Жузе каби олимлар фаолияти орқали ҳам яққол англаш мум-

кин. Булар орасида Николай Петрович Остроумов алоҳида ажралиб туради.

1877 йилда Н.П.Остроумов Тошкентга ўз оиласи билан кўчиб келди, юртимизда у 1917 йилга қадар турли лавозимларда ишлаб ўзининг «миссия»сини аъло даражада бажарди. Дастлаб Туркистон ўлкаси маҳаллий мактаблари нозири, сўнг ўқитувчилар семинарияси директори (1879 й.), Туркистон эрлар гимназияси директори (1889 й.), 1883 йилдан 1917 йилга қадар «Туркистон вилояти газети»нинг бош муҳаррири лавозимларида фаолият юритган.

Н.П.Остроумов ўзининг машҳур «Сарты» («Сартлар») номли китобига граф Д.Толстойнинг қуйидаги сўзлари билан бошлаган: *«Ғайридинларни аста-секинлик билан маърифат орқали қуроллантириб, уларни рус миллати ва руҳияти билан яқинлаштириш давлат аҳамиятига молик вазифадир»* [5]. Н.П.Остроумов ушбу сўзларга содиқ қолди. Яъни, у 1883 йилдан 1917 йилга қадар «Туркистон вилояти газети» нашри орқали чор ҳукуматининг руслаштириш ғояларини, миссионерлик тарғиботини Туркистон ўлкасида кенг ёйишда жонбозлик кўрсатди. Энг аҳамиятлиси, газетада вайронкор ғояларга йўналтирилган мақолалар рус тилида эмас, балки маҳаллий тилларда чоп этилди. Бу эса уларнинг ғаразли мақсадини тезроқ амалга оширишда қўл келди. Лекин тарих шоҳидки, ўзбек миллати ҳам, ўзбек тили ҳам, маданияти ва маънавияти ҳам, дини ҳам уларнинг қабиҳ режаларида белгиланганидек, йўқ бўлиб кетмади.

1884 йилда генерал-губернатор Н.О.Розенбах номига юборилган «Туркистон ўлкаси рус маъмуриятининг мусулмон аҳолига бўлган муносабатига доир вазифаларга умумий қараш» номли ҳужжат Н.П.Остроумов учун дустуриламал вазифасини бажарди. Унда чор мустамлакачиларининг Туркистон ўлкасини аста-секинлик билан руслаштириш, Туркистонда яшовчи халқларни рус халқи билан ассимиляциялаштириб юбориш, уларнинг тили, дини, тарихи ва маданиятини барбод этишдек жирканч стратегик режалар, уларни амалга ошириш босқичлари ва усуллари аниқ белгиланган эди. Н.П.Остроумов мазкур вазифаларни Алжирдаги француз мустамлакачилари амалга оширган ишлар билан таққослаган ҳолда, ўз фаолияти доирасида махсус режа ва дастур ишлаб чиқди. Унинг фикрича, мазкур қиёсий таҳлилларнинг умумийлиги шундаки, ҳар икки мустамлакачи давлатнинг шовинистик сиёсати маҳаллий аҳолини ўз халқи билан ассимиляциялашуви орқали ижтимоий интеграцияни амалга оширишга йўналтирилган.

Ислом дини, Қуръони карим матни тадқиқи Н.П.Остроумов ижодий фаолиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Чунки олим Қозон диний семинариясининг махсус топшириғи асосида христианлик динини ислом дини билан таққослаш ва маҳаллий аҳоли эътиқодига салбий таъсир кўрсатишни, ислом динини бузишни мақсад қилган эди. Н.П.Остроумов Қуръон билан Қозон диний семинариясида устози Г.С.Саблуков томонидан унинг русчага қилинган таржимаси орқали хабардор эди.

1883 йилда Н.П.Остроумовнинг «Что такое Коран?» номли асари чоп этилди. Ушбу асарда олим Қуръон матни, унинг тарихи, тил хусусиятларини миссионерлик нигоҳи остида бузиб талқин қилган. 1900 йилда Тошкентда шарқ тилларини ўргатувчи зобитлар мактаби очилди ва у ердаги ижодий фаолияти натижасида у қуйидаги асарларни яратди: «Исламоведение»: «Аравия – колыбель ислама» (1910), «Коран – религиозно-законодательный кодекс мусульман», «Шариат по школе (мазхаб) Абу Ханифы», «Догматы Корана» ва «Введение в курс исламоведения» (1910–1914). Мазкур асарлар чор ҳукуматининг кучли цензураси остида чоп этилган бўлиб, унда ислом асослари, Қуръон матни ва маънолари хусусида дастлабки миссионерча таҳлил изларини кўриш мумкин. Албатта, мазкур таҳлиллар ёпиқ ва кўп қаватли матн саналган Қуръони каримнинг чуқур мазмунини англаш ва талқин этиш йўлидаги мукаммал таҳлил намуналари эмас.

В.Наливкин «Русско-сартовский и сартовско-русский словарь обшеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда» (Қозон, 1884; Тошкент, 1912) асарини ёзиб, русларнинг ўзбек тилини, айни пайтда, ўзбекларнинг рус тилини ўрганишлари учун имконият яратди. Олим турмуш ўртоғи М.Наливкина билан биргаликда 161 саҳифадан иборат сартча-русча луғат тайёрлади ва унга алоҳида илова тарзида 1884 йил «Грамматика сартского языка Андижанского наречия» номли маълумотномани қўшиб нашр эттирди. Туркийшунос олим К.К.Юдахиннинг эътирофича, бу асарнинг назарий аҳамияти ўзбекча луғатларнинг энг яхшисига ўзбек тилидаги шеваларнинг биринчи грамматик очеркининг илова қилинишидир. Дарҳақиқат, В.П.Наливкин XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ўзбек шеваларининг, хусусан, Андижон шевасининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини илк бора тавсифлаб берган олимдир. Бу эса олимнинг ўзбек диалектологияси ривожидаги муносиб ҳиссаси саналади.

В.Наливкин узоқ йиллик кузаташлари натижасида ўзбек халқ мақоллари, маталлари, ҳикоялар ва тарихий ривоятлар каби бой фактографик базага таянган ҳолда «Руководство к практическому изучению сартовского языка» (Самарқанд, 1898) номли назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган асар яратди, у ўзбек тилини ўрганувчи руслар учун узоқ вақтлар муҳим қўлланма вазифасини бажариб келди.

В.П.Наливкин Ўрта Осиёда лисоний вазият ва билингвизм муаммосини амалий асосда ўрганиб, «Сартовско-персидская хрестоматия, с приложением примеров для перевода с русского на сартовский и персидский языки» (1887), «Русско-персидский словарь общеупотребительных слов по наречиям Туркестанского края» (1889), «Руководство к практическому изучению персидского языка» (1890) номли амалий аҳамиятга молик қўлланмалар яратди. Буларни ўзбек тилини типологик, контрастив ва социолингвистик аспектларда ўрганиш йўлидаги амалий изланишлар самараси сифатида баҳолаш мумкин.

В.П.Наливкин ва М.В.Наливкина ўзбек халқи тарихи, этнографиясига оид ўз даврида ягона «Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы» («Фарғона ўтроқ маҳаллий аҳолиси аёлларининг турмуши ҳақида очерк») асарини яратдилар, у 1886 йил Қозонда нашр этилди. Асар Рус географик жамиятининг катта олтин медалига лойиқ топилди [6]. Мазкур асар шарқшунос олимлардан А.Вамбери, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольдлар томонидан жуда юксак баҳоланган. Хусусан, академик В. В.Бартольд шундай ёзади: *«Ўтроқ ўзбеклар ҳаётини ўрганишда Наливкиннинг асари ҳалигача ягона манба бўлиб ҳисобланади, асар бевосита ўзбекларнинг ичида улардек яшаб ёзилгани боис бошқалардан ажралиб туради».* Мазкур асарнинг ўзига хос жиҳати шунда кўринадики, олим ўзи учун бегона маданиятни тўлақонли ўрганиш мақсадида ўша ижтимоий муҳит ичида яшаш асосида социал антропология, шунингдек, антрополингвистика соҳаларига доир қимматли материаллар тўплаган ва уларни талқин этган. Демак, ушбу асар фақат тарих, этнография учун эмас, балки этнолингвистика, антрполингвистика, лингвомаданиятшунослик каби замонавий соҳалар учун ҳам назарий ва амалий аҳамият касб этади.

В.П.Наливкиннинг ўқув қўлланмалари, луғат ва маълумотномалари ўзбек тили грамматикаси, ономастикаси, лексикографияси, лингводидактика (ўзбек тилини ўқитиш методикаси) соҳалари тараққиётида муҳим ўрин тутади. Унинг «Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края» асари рус тилини маҳаллий аҳоли болаларига ўқитилишини жорий этиш учун махсус ёзилган бўлиб, у 1886 йилда 480 нусхада чоп этилди. Олимнинг «Список мужских и женских имен, наиболее употребительных у оседлого мусульманского населения Туркестанского края» номли асари ўзбек ономастикасига оид дастлабки амалий тадқиқотлардан бири деб эътироф этиш мумкин [7].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, В.П.Наливкиннинг луғатлари машҳур тилшунос, академик В.В.Радловнинг тўрт жилддан иборат «Опыт словаря тюркских наречий» шоҳ асари учун ўзбек тили бўйича асосий манба вазифасини бажарган [8]. А.Н.Кононов олимнинг луғатларини туркий лексикографиянинг муҳим босқичини ташкил этувчи асарлар қаторига киритган [9]. И.А.Киссеннинг ёзишича, В.П.Наливкиннинг луғатлари XIX аср охири XX аср бошларидага ўзбек тили тарихини, айниқса, ўша давр жонли нутқини, шева ва лаҳжаларни ўрганиш учун назарий ва амалий аҳамият касб этади. Олим луғатлар тузиш жараёнида лексикографиянинг тамойилларига қатъий амал қилган, хусусан, сўзларнинг фонетик транскрипциялари ҳам луғатда ўз аксини топган. В.П.Наливкин бутун умри давомида 18000 сўзни ўз ичига олган «Русско-узбекский словарь»[1] устида изланишлар олиб борди. Гарчи мазкур луғат нашр этилмаган бўлса ҳам, шўро даврида кўпжилдли «Ўзбекча-русча луғат»ни тайёрлаш жараёнида асосий манба сифатида фойдаланилган. 1892 йилда «Список слов, заимствованных русскими из арабского, персидского и тюркского», «Туземные слова, сделавшиеся общеизвестными и вошедшие в употребление между русскими», «Русские слова, вошедшие в употребление у сартов» номли учта кичик ҳажмли луғат тузганлиги ҳақида маълумотлар бор [10], лекин, афсуски, улар нашр юзини кўрмаган.

В.П.Наливкин маҳаллий халқ ҳаётини чуқур ўрганиб, уларнинг психологияси, дунёқараши, мотивларидаги ўзгаришлар ҳақида мунтазам ахборот бериб борган. Чор мустамлакачилари эса мазкур ҳисобот ва маълумотлар асосида бошқарув сиёсатини амалга оширганлар ҳамда сиёсий ориентацияни белгилаганлар. Бу хусусда Ю.О.Якубовский В.П.Наливкин ҳақидаги ўз очеркида шундай ёзади: *«…Уни ҳеч муболағасиз Туркистонни эгаллаган ҳақиқий мустамлакачи, истилочи деб аташ мумкин. У қурол билан эмас,*

[1] «Русско-узбекский словарь» нинг қоралама нусхаси Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Уни фондга В.П.Наливкиннинг набираси топширган.

балки қалам билан, яъни маҳаллий аҳоли тили, тарихи, турмуш тарзини мукаммал ўрганиб, ёзган асарлари билан мустамлакачилик, босқинчиликни тезлаштиришга муваффақ бўлган. У қанча замбарак, қурол, қон тўкиш орқали «амалга оширилган» ишлардан кўра кўпроқ ишни «уддалади»…» [11]

Демак, XIX асрда ўзбек тили амалий аспект асосида тадқиқ этилган бўлиб, бу давр маълум ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, мазкур даврда ўзбек тили грамматикаси бошқа тил вакиллари томонидан тавсифланган. Бунда грамматикани тавсифлаш модели сифатида рус тили грамматикаси схемаси танланган. Бу эса рус зобитларига ўзбек тилини ўз тилларига қиёслаган ҳолда тез фурсатда ва осон ўрганишига сабаб бўлган. Чор маъмурларига маҳаллий аҳоли тилини билишлари зарурий шарт саналган, шу боис ўзбек тилини билган рус зобитларига «махсус» топшириқлар ҳамда «мукофотлар» берилгани тарихдан маълум. Иккинчидан, бу даврда маҳаллий аҳоли тили, дини ва маданиятини ўрганиш асосида рус мустамлакачилигининг буюк шовинистик мақсадлари ва режалари тезроқ жорий этилиши кўзланган. Учинчидан, илм-фан фонида миссионерлик ғоялари зимдан тарғиб этилган. Айниқса, Қуръон матнининг рус миссионерлари томонидан бузиб талқин этилиши мазкур жараённи янда тезлатишга хизмат қилиши назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Raymond P. Privileges, Rights, and Russification // Civil Rights in Imperial Russia / Ed. by O. Crisp and L. Edmondson. Oxford: Clarendon Press, 1989. Pp. 85-102/

2. Терентьев М.А. Грамматика турецкая, персидская, киргизская (казахская) и узбекская. – СПб., 1875; Хрестоматия турецкая, персидская. киргизская и узбекская. – СПб., 1876; Беляев И.А. Руководство к изучению сартовского языка. Вып. 1-4. – Т., 1906; Алексеев В.А. Самоучитель сартовского языка.– Т., 1884; Лапин С. Карманный русско-узбекский словарь с приложением краткой грамматики узбекского языка. – Самарканд, 1895 (II нашри 1914); Афанасьев Я. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами. – Скобелев, 1908; Ягелло И. Сартовский переводчик. – Т., 1908; Ягелло И. Этимология сартовского языка для курсов при Ташкентском отделении общества востоковедов.– Т., 1910; Будзинский Н. Грамматика сартовского языка и русско-сартовские разговоры. – Т., 1910.

3. Серткая А.Г. Н.Н.Пантусов как исследователь современных тюркских наречий. Жизнь и труды // UluslararasýTürkistan Halk Kültürü Sempozyumu. – Мугла, 2001. – С.195-214.

4. http://wikipedia.org/Ostroumov.html.

5. Самойлович А.Н. К вопросу о сартах. Рец. на кн.: Остроумов, Н. П. Сарты: Этнографические материалы. Общий очерк. – 3-е изд.- Т.,1908. *Живая старина,* 1910. 3(3): 265–269.

6. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии. 1895-1917.- Т., 1958; Лунин Б. Еще одна замечательная жизнь. – Звезда Востока. - 1990.- №9.

7. Лунин Б. В. Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки. - Т., 1974

8. Боровков А. К. Узбекское языковедение // 25 лет советской науки в Узбекистане.- Т., 1942

9. Кононов А.Н. Тюркское языкознание в Ленинграде. 1917-1967 // Тюркологический сборник. - М., 1970

10. Бабабеков Х.Н, Серебряная Ф.И. Один из первых учителей русского языка (В.П.Наливкин) // Русский язык и литература в узбекской школе.- 1972.- № 5.- С. 87.

11. Якубовский Ю.О. В. П. Наливкин // Туркестанский сборник. Т. 435. С. 83

Андижон давлат университети,
2013 йил 17 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)